ЎҚУВЧИЛАРНИ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФАОЛИЯТЛИ ЁНДАШУВ ВА МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ

Боймуродова Г.Т.
Бухоро давлат педагогика институти профессори
Ashurova X.A.
Инновацион институти асиссент ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ноанъанавий дарс, фаолиятли ёндашув, амалий кўникма, методлар,дарсни лойиҳалаш.
Ключевые слова: нетрадиционный урок, активный подход, практические навыки, методы, дизайн урока.
Key words: non-traditional lesson, active approach, practical skills, methods, lesson design.

Таълим жараёнига дидактик жиҳатдан ёндашилганда дарснинг тузилиши турли босқичларда ташкил қилинишини кўрсатади. Дарс босқичларини танлаш эса, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даржалари ёким уларнинг интелектуал ривожлантиришда индивидуал, жамоа, диферециал ўқитиш шаклларидан келиб чиқиб фаолиятли ёндашувни фаоллаштириш мақсади асосида ҳаракатлантирилади.

Замонавий дарслар учун ўзлаштириш, қисмларга ажратиш, такрорлаш ва мустаққамлаш, янги ўқув ма¬териалини эгаллаш қамда уни амалий жиқатдан қўллаш билан боғлиқ равишда олдин ўрганилганларни назорат этиш каби таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқ-ликлари характерлидир. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари фақатгина такрорлаш ва мустаққамлаш босқичларидагина эмас, балки янги материални ўрганиш давомидаёқ ташкил этилади, бу орқали ўқитиш билан ўрганиш орасида, синфнинг жамоавий иши билан ўқувчининг индивидуал (якка ҳолдаги) иши орасидаги мустаҳкам боғлиқлик амалга оширилади. Ўқувчиларнинг қидирувчанлик фаолиятларини таркибий қисмлари фақат муаммовий характердаги дарслардагина эмас, бал¬ки ҳамма турдаги дарсларнинг (комбинациялашган, назорат ва бошқалар) айрим босқичларида қам фойда-ланилади. Олдинга

қўйилган дидактик вазифаларни қал этишнинг йўлларига боғлиқ қолда дарс қурилиш тартибининг айрим босқичлари қисқариши ва кенгайиши, ўқитиш усуллари қамда қар хил методларнинг вазифалари, ўрни ўзгариши мумкин. Шунинг учун замонавий дарснинг таркибий тузилиши ўқитувчиларнинг бошқарувчилик роли ва ўқувчиларнинг англаш фаолиятлари¬ни ташкил этишнинг ўзига хослигини акс эттира туриб, жуда қам турли-туман шаклдалиги билан фарк қилади

Дарснинг муваффақиятли ўтиши ўқитувчи хамда ўқувчиларнинг дарсга тайёрланишларига боқликдир.

Дарсга босқичли тайёрланиш, хусусан етарли даражада педагогик иш тажрибасига эга бўлмаган ёш ўқитувчилар учун жуда зарур.

Ўқитувчининг дарсга тайёрланишида дастлабки босқичлар ажралиб туради. Уқув йили бошланиши олдидан ўқитувчи дастурдаги қамма мавзуларни ўрганиш вақтини тақсимлаб чиқади, ўқув машғулотларининг жадвали ва мазкур фанни ўрганишга ўқув режасидан ажратилган қафталик соатларнинг миқдорини қисобга олган қолда унга мувофиқ бўлган тақвимий муддатларни ўрнатади. Шундай тарзда белгилаб чиқилган дастур ўқитувчи учун фан юзасидан ишларнинг тақвимий (календар) режаси сифатида хизмат қилади.

Ўқитувчи дарсларда ва кечки мактабларда қаётий масалаларни мустақил қал этиш (ишлаб чиқариш қамда турмуш масалаларини қам) малакасига эга бўлган ўқувчиларнинг мустақил ишларига кенг суянади.

Ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш давомида иш вақтининг қар бир дақиқасини қандай қадрлаш ва эъзозлаш кераклигини яхши тушунувчи балоғат ёшидаги ўқувчилар баъзи қолларда дарсларда вақтлардан тежамай фойдаланишнинг гувоқи бўладилар.

Мактаб-интернатларда ва куни узайтирилган группаларга эга бўлган мактабларда дарсларни ўтказишнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар ўқув жараёни тўлалигича (мактаб-интернатларда) ёки сал кам бутунлигича (куни узайтирилган группаларга эга бўлган мактабларда) ташкил зтилади ва мактабда амалга оширилади. Куннинг иккинчи ярми эса ўқитувчи рақбарлигида амалга ошириладиган мустақил ишларга ажратилади. қозирги вақтда куни узайтирилган группага эга булган мактабларда ўтказилган дарсларнинг сифатини бақолашда ўқувчиларнинг уй вазифаларини бажаришда уз устида ишлаш вақтидаги тайёргарлиги даражасини қисобга олиш мақсадга мувофиқ деб тан олинган. Куни узайтирилган группага эга бўлган мактабни бундан кейинги ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири - илғор тажрибани тақлил этиш асосида кўп даражада мақсадга мувофиқ бўлган бир бутун ўқув-тарбия жараёни тартиб-қоидаларини таш-

кил этиш қисобланади. Бунда, ўқув фанлари юзасидан олиб бориладиган фанлар ўқитувчиларнинг қар томонлама ривожланишини таъминлайдиган тўгарак ва синфдан ташқари фаолиятларининг қар хил турларини ўтказиш билан табиий равишда богланиб кетади.

Педагогикада таълим методларини таснифлаш ва белгилашга бир хил ёндошиш мавжуд эмас. Айрим муаллифлар ўқитиш методларни белгилашда билиш манбаларининг хусусиятларини асосий деб ҳисоблайдилар; чунончи, оғзаки (сҳбат, тушунтириш, баён қилиш, ўқувчиларнинг техник адабиётлар билан мустақил ишлаши ва бошқалар); кўргазмали (кўргазмали қурол, кинофильм ва диафильмларни намойиш этиш; меҳнат усулларини кўрсатиш, ўқувчиларни мустақил кузатишлари ва бошқалар); амалий (машқлар операциялар, иш усуллари, амалий лаборатория машғулотлари) ва бошқалар.

Кейинги пайтларда педагогика назарияси ва амалиётида ўқувчилар билиш фаолияти коммуникацион технологиялар асосида таснифланадиган методлар қўлланмоқда.

Тушунтириш - кўргазмали метод. Ўқитувчиларга техник воситалар ёрдамида тайёр маълумот беради ва улар маьлумотни қабул қиладилар, англайдилар ва ўз хотираларида сақлайдилар.

Эслаш методи. Ўқитувчи топшириқлар тизими билан ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этади. Ўқувчи эса, видео, тасвирлар, аудиолар бўйича малакаларни эгалайдилар. Ўқувчилар билимининг ҳажми ортиб борган сари биринчи методдан иккинчиси билан бирга фойдаланиш кўпайиб боради.

Муаммоли баён. Ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради, дарс давомида уни қал қилиш йўлларини тушунтириб боради ва ҳал қилади. Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этадилар.

Қисман изланиш ёки эвристик метод. Ўқитувчи ўқув муаммосини айтиб, уни ёрдамчи қисмларга бўлади ва изланиш йўлини белгилайди, ўқувчилар эса ўз-ўзларини текшириб муаммони ҳал қиладилар. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга айрим йўналишларни, масалан, олдиндан тузилган саволларни айтади.

Тадқиқот методи. Ўқувчиларнинг янги муаммони қал қилишидаги мустақил изланиши ва ижодий фаолиятини ташкил этиш усулидир. Бунда ўқитувчи уларга тайёр муаммони баён қилмайди. Уни ўқувчиларнинг ўзлари ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида топадилар, шундан сўнг ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради.

Анъанавий ўқитиш методлари – оғзаки баён қилиш, тушунтириш, суҳбат, ҳикоя, адабиётлар таҳлили, тажрибалар ўтказиш, натурал обеъктларни, кўргазмали воситаларни намойиш этиш; машқ, ёзма иш, график ишлар-баён этилган методлар тизимида восита ва усул сифатида намоён бўлади, ўқитувчи эса улар ёрдамида мақсадли методлардан фойдаланиб дарсни юқори савияда ўтказади.

Амалий метод деганда ўқув материалини машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўзлаштиришнинг шакллари тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимида бу методга иш усулари, мажмуавий ишлари вазифаларни бажаришда мустақилликни ривожлантиришга қаратилган ишлари машқ қурилмаларга оид машқлар лаборатория-амалий ишларига эса, технологик жараённи бошқариш машқлари киради.

Машқлар - кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаққамлаш мақсадида муайян ҳатти-ҳаракатларни кўп марта такрорлашдир. Ишлаб чиқариш таълимидаги машқларга асосан қуйидаги талаблар қўйилади: машқларни ўқувчилар онгли ва мақсадга мувофиқ йўсинда бажаришлари; ишлаб чиқариш методикасига асосоланиши, тизимли изчил узлуксиз бўлиши ва такрорланиши; ўқувчиларнинг ишдаги мустақиллиги мунтазам ривожланиб бориши керак.

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик машқларни бажаришдаги энг муҳим талабдир, ўқувчилар машқнинг нима учун кераклигини аниқ тасаввур қилишлари ва мақсадга эришишга фаол интилишлари лозим. Ўрганиладиган меқнат жараёнларининг илмий-техник асосларини бажариш йўллари, ишда учрайдиган хатоларни билиш ўқувчиларга ўрганилаётган қаракатларни ўзлаштириш имконини беради.

Онглилик, мақсадга мувофиқлик кўникмалар шаклланишининг дастлабки пайтларда айниқса катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар машқ натижаларидан довдираб қолмасликлари учун ўқитувчи уста уларни қийинчиликлардан, қийинчиликларни енгиш йўлларидан огоҳлантиради. Машқлар муваффақиятли ўтиши учун ўқитувчи ўқувчиларнинг тегишли натижаларга эришишдаги интилишларни қўллаб-қувватлаши керак, машқларни тобора мураккаблаштириб бориш зарур.

Кўникмаларни шакллантириш жараёни ўқув фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кўникма қосил қилишнинг муваффақияти қатор шартларга боғлик.

Биринчи шарт - кўникма нима? Кўникма-автоматлашган даражага етказилган ҳаракатлар тизимидир. Агар ўқувчи материални ўзлаштиришда

унинг ақамиятини тушунмаса, унда бундай қаракатлар шаклланиши қийин бўлади.

Иккинчи шарт – машқларнинг тизими бўлиши. Одатда

кўникмалар қосил қилишдаги қийинчиликларга ўқув машқлар

тизимини ташкил этиш ва уларни ўтказишдаги камчиликлар сабаб бўлади.

Учинчи шарт - амалий қаракатларни онгли равишда бажариш. Ўқувчи ўЗ Қаракатларини, иш операцияларининг изчилигини яхши тушуниши зарур, уларни механик тарзда ва ёдлаб олишга йўл қўймаслик керак.

Тўртинчи шарт - дастлабки амалий қатти-қаракатлар ва операцияларга пухта тайёрланиш. Операциялар онгли равишда, режа асосида бажарилса, кўникма тезроқ ва муваффақиятлироқ шаклланади. Ўқувчи Ўзининг дастлабки қатти-қаракатларида хатога йўл қўймаслиги лозим, чунки уларни қайта ўрганишга тўғри келмайди. Дастлабки қаракатлардаги хато кейин такрорланиб, мустаққамланиб олиш мумкин ва уни тузатиш қийин бўлади, шу сабабли қаракатларни бажарётганда операциялар тартибини овоз чиқариб ёки чиқармай гапириб туриш ғоят фойдалидир. Ўқитувчи шу қаракатлар ва операцияларни эътибор билан назорат қилиб боради.

Бешинчи шарт – машқларни мустақил бажариш ва ўзини-ўзи назорат қилиш. Ўқитувчи ўқувчига бундай назоратнинг усулларини ўргатиш зарур.

Олтинчи шарт - бажарилган машқлар, амалий ишларни тахлил қилиш ва баҳолаш. Ўқув кўникма ва малакаларининг ижобий қамда салбий жиқатлари бўлади. Ўқувчилар типик хатоларга йўл қўядилар. Дарсларда яхши ишларни намойиш қилиш, ижобий намуна асосида ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Кўникмаларни шакллантиришнинг мана шу шартларига риоя қилинса, ўқитишнинг амалий методлари ўқув материалини муваффақиятли ўзлаштиришга олиб келади.

Шаклланган кўникма ва малакаларни мустаққамлаш ва такомиллашишини таъминловчи асосий омиллари:

- кўникма ва малакаларнинг онгли тушуниб ва мустаққам шаклланиши.
- уларни шакллантиришда ўзлаштирилган билимларга таянилиши.
- хатоларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида тузатиш, яьни нотўғри иш усулларига йўл қўймаслик.
- барча ўқувчиларга ягона педагогик талаблар қўйиш.
- топшириқларни секин-аста мураккаблаштириб (энг оддий иш қаракат усулларидан мураккаб иш қаракатларига ўтиб) бориш.

- машқлар учун ажратилган вақтдан тўғри фойдаланиш.
- малакалар тўлиқ шакллангунича машқлар давом эттириш.
- ўқувчиларнинг эътиборлилиги.
- машқларнинг мунтазам равишда ўтказилиши.

қуйида ўқитиш методларининг таснифи ва намуна сифатида дарс режаси келтирилган.

Шу билан бирга ўқитиш методларининг қуйидаги таснифи қам мавжуд. Унда ўқитиш методлари икки гуруҳга: билимларни дастлабки эгаллаш методлари ва билимларни мустаққамлаш, такомиллаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш методларига бўлинган.Ўқиш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллик даражасига қараб биринчи гуруҳдаги методлар яна иккига бўлинади, булар маълумотли-ривожлантирувчи, муаммоли-изланишли методлардир. Анъанавий таълимда маълумотли-ривожлантирувчи методларнинг салмоғи анча катта. Бундай дарсда ўқувчига нисбатан ўқитувчи фаолроқ қатнашади (тушунтириш, ҳикоя ва суҳбат).

Билимларни мустаққамлаш ва кўникмаларни шаклантириш учун кўпинча маҳсулсиз методдан фойдаланилади (ўқувчиларнинг материални қайта айтиб бериш, намуна бўйича машқлар бажариш, кўрсатма бўйича лаборатория ишларини амалга ошириши). Бу метод ўқув материалини айтиб бериш ва эсда сақлашга, ижодий тафаккурнинг ривожланишига мустақил билиш фаолиятини кучайтиришга қаратилган бўлади. Лекин ўқитиш методлари турғун, доимий эмас, улар кейинги пайтларда ривожланиб фаол ўқитиш методлари шаклида намоён бўлмоқда. Фаол ўқитиш методлари ўқув материалини эгаллаш жараёнида ўқувчиларни фикрлаш ва билиш фаолиятига ундайди.

Фаол ўқитиш методидан қуйидагича фойдаланилади:

а) ўқитувчи ўқув материалини қайта гапириб бериш ва эсда сақлаш учун билимларни намойиш этмайди;

б) ўқув материалини шундай баён қиладики, ўқувчилар фаол билиш ва амалий ишлар жараёнида мустақил билим ҳамда кўникмаларни эгаллайди.

Якка тартибдаги ноанъанавий дарсларида махсус фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Уйда топшириқларни бажаришда қийналиб қолган ёки улгурмаган ўқувчиларга маслақат ва ёрдам берилади. Бундай машғулотнинг афзалликлари:

1. Ўқувчиларнинг амалий иши билан йўл-йўриқда айтилганлар орасидаги фарқлар сезилмайди.

2. Кириш йўл-йўриғи режа асосида тўлиқ кўрсатилади.

3. Ўқувчи бир турдаги топшириқ бўйича дарсга тайёргарлик кўради, бу эса унинг дарсга яна ҳам самарали раҳбарлик қилишига шароит яратади.

4. Ўқувчининг ютуқ ва камчиликларни, ўзларига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мумкин.

5. Ҳар бир ўқувчи алоҳида иш ўрнида ишлаш имкониятига эга бўлади, ҳамда унинг мустақил ишлаш салмоғи ортади.

Хулоса қилиб айтганда ўқув жараёнида дарсларни замонавий талаблар асосида ташкил этиш ўқувчиларнинг фанга ва мавзуга нисбатан қизиқишларини оширишга ва кўникмаларни юзага келтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнида фаолиятли ёндашувларни қўллаш ҳар бир ўқувчининг замонавий методлар асосида фаоллаштириш мақсадини амалга ошиишга хизмат қилади. Ўқитувчининг мақсадли фаолиятни ва дарс лойихасини ишлаб чиқиш ва ташкил этишда амалий ишлар мустақил билим ҳамда кўникмаларни эгаллашга кенг йўл очиб беради.

Адабиётлар:

1. Boymurodova G. T. Particular Characteristics of Scientific Research Methods to Continuous Rising Qualification //Eastern European Scientific Journal. – 2017. – №. 5. – С. 29-34.

2. Boymurodova G., Tosheva N. Boshlang ‘ich ta’limda bilish faoliyatini rivojlantiruvchi o ‘quv vaziyatlarini tashkillashtirishda hamkorlikda o ‘qitishning o ‘ziga xos xususiyatlari //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – Т. 1. – №. 1.

3. Boymurodova Gulzoda Toshtemirovna. "Boshlangich ta’lim sifat va samaradorliginu oshirishda hamkorlikda oqitishning oziga xos xususiyatlari." Научно-практическая конференция. 2022.

4. Boymurodova G. T. Development of Professional Competence in New Vocational Education // JournalNX. – С. 737-739.

5. Boymurodova G. T. O‘qituvchining kasbiy kompetensiyasini rivojantirish masalalari: doi: 10.53885/edinres. 2021.54. 99.132 Nizomiy nomidag iTDPU Uzluksiz ta’lim pedagogikasi va menejmenti kafedrasi dotsenti, pfd (DSc) GT Boymurodova //Научно-практическая конференция. – 2020.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ноаънавий дарсларда фаолиятли ёндашув асосида кўникмаларини шакллантиишда муҳим методлардан фойдаланиш, ўзлаштириш даражалари ҳамда дидактик вазиятлар ташкиллаштириш, замонавий дарснинг таркибий тузилиш,дарс лойиҳасини ишлаб чиқиш ўқитиш билан ўрганишнинг ўзиша хос хусусиятлари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются использование важных методов формирования умений учащихся на основе активного подхода на нерелигиозных занятиях начального образования, уровни усвоения знаний и организация дидактических ситуаций, структурная структура современного урока, разработка проекта урока, выделены особенности преподавания и обучения.

SUMMARY

This article discusses the use of important methods for developing students’ skills based on an active approach in non-religious classes in primary education, levels of knowledge acquisition and organization of didactic situations, the structural structure of a modern lesson, the development of a lesson project, and highlights the features of teaching and learning.